# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 6 ноябрь, № 215 (6398) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 ноябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сопни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестицион ва технологик ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Жанубий Корея бизнесининг фаол иштирокида иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида кўплаб стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сурғил кони негизида яқинда бунёд этилган, қиймати қарийб 4 миллиард долларга тенг Устюрт газ-кимё мажмуаси ушбу ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Учрашувда Жанубий Кореянинг нуфузли делегацияси Тошкентда ўтаётган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Суҳбат чоғида Жанубий кореялик инвесторларнинг мамлакатимиздаги давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида иштироки, етакчи саноат ва инфратузилма тармоқларида янги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Халқаро инвестициявий форум доирасида Жанубий кореялик ҳамкорлар билан нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва инфратузилмавий тармоқлардаги давлат активларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 220 миллион доллардан зиёд 24 битим ва меморандум имзоланишини юксак баҳолади.

Ли Хван Соп Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Корея Республикаси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга устувор аҳамият беришини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестициявий форум мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланаётгани, саноат салоҳияти юксалиб бораётганининг чинакам намойишига айланди. Бинобарин, ушбу нуфузли тадбирда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси истиқболига кенг йўл очиб бериш, инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, бу жараёнда эришилаётган ютуқлар атрофлича ўрганилаяпти.*

# «Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлари инвесторларни эътиборсиз қолдирмайди»

Дарҳақиқат, юртимизда чет эллик ҳамкорлар — сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотмоқда. Анжуманда етакчи халқаро ташкилотлар, хорижий инвестициявий компаниялар, жамғармалар, агентликлар, йирик трансмиллий фирма ва компанияларнинг раҳбар ҳамда вакиллари иштирок этаётгани ана шундан далолат беради.

Халқаро анжуманга ташриф буюрган меҳмонлар кеча гуруҳларга бўлинган ҳолда, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификация қилиш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, стратегик хорижий инвесторлар иштирокида рўёбга чиқариш кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳалар, хусусийлаштириладиган корхона ҳамда объектлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Маълумки, бугунги кунда **Тошкент шаҳри** нафақат ўзининг қадимий осори атиқалари ва замонавий шаҳарсозлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлари, балки юксак иқтисодий ҳамда инвестициявий салоҳияти билан ҳам дунё аҳлини ўзига жалб этмоқда. Зеро, мустақиллик йилларида бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётгани, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани туфайли у мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам, ўз фаолиятини бу шаҳар билан боғламоқчи бўлган чет эллик сармоядорлар йил сайин кўпайиб бораётир.

Дарҳақиқат, бу ерда иқтисодиётимизнинг автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат, электротехника, кимё, нефть-кимё, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, мебелсозлик, шунингдек, озиқ-овқат саноати тобора тараққий этмоқда. Мазкур тармоқлар корхоналари эса энг замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлангани ҳамда изчил модернизация қилинаётгани натижасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришилаяпти. Уларнинг асосий қисми дунёнинг қатор давлатларига экспортга чиқарилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, пойтахтимиздаги 68 та акциядорлик жамиятида давлат улуши камайтирилиши белгиланган. "Foton" акциядорлик жамияти — ана шундай субъектлардан бири.

— Биз юртингизга аниқ мақсад, яъни иқтисодиётингизга инвестиция киритиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун келганмиз, — дейди **Германиянинг "Soehnle Industrial Solutions GmbH" компанияси ижрочи директори Михаэл Шлегер**. — Ушбу режамиз "Foton" корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётганидан жуда хурсандмиз. Аввало, бу ерда саноат тармоқларида кенг қўлланиладиган юк ҳамда автомобиль тарозилари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун ажратиладиган ер майдони, хорижий инвесторларга яратилган қулайликлар билан танишиб, тўғри қарор қабул қилганимизга яна бир карра амин бўлдик.

Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлари ҳеч бир инвесторни эътиборсиз қолдирмайди. Бу, албатта, иқтисодий тараққиёт йўли тўғри танлангани шарофатидир.

(Давоми 2-бетда).

# Аҳоли фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам кафолати

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2016 йил учун Ўзбекистон Республикаси Бюджетномаси, шу жумладан, Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Парламент аъзолари таъкидлаганидек, жаҳонда давом этаётган молиявий инқироз шароитида юртимизда чуқур ўйланган бюджет ҳамда солиқ сиёсати юритилаётгани туфайли иқтисодий ўсиш ҳамда макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Келгуси йилда мамлакатимизни янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилиши назарда тутилган. Бу мамлакатимиз Давлат бюджети даромад қисми ўсишини таъминлайди.

2016 йил учун солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган бўлиб, солиқ юкини тобора камайтиришни, Давлат бюджети мувозанатини таъминлашни, давлат маблағлари сарфланиши самарадорлигини оширишни ифодалайди. Бундан ташқари, келгусида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришни давом эттириш, аҳоли реал даромадлари ҳамда жамғармалари ўсишини таъминлаш билан бир қаторда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, даромад қисмини ошириш кўзда тутилган.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи сайловолди дастурлари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқди.

— Ҳар йили юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини янада рағбатлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш учун чора-тадбирлар қабул қилинаяпти. Бу мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатида ўз аксини топмоқда, — деди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Меҳриддин Муҳаммадиев**. — Масалан, 2016 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш назарда тутилгани уларнинг янада тараққий этишига имкон яратади.

(Давоми 2-бетда).

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

*Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун оилаларда камолга етаётган, таълим муассасаларида пухта билим эгаллаётган, маҳалла аҳли кўз ўнгида улғаяётган ёшларимиз юртимизнинг эртанги тараққиёти учун масъул ҳисобланади. Шу боисдан оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.*

# Маҳалланинг «Ота-оналар университети»

## аҳолининг оилавий муносабатлар билан боғлиқ билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Айни чоғда ушбу ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган услубий асосларни яратиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ролини кучайтириш, уларнинг ёшларни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини янада бойитишга кўмаклашиш йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилаяпти. Бу борада, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган "Ота-оналар университети" ҳам муҳим ўрин тутади.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотига кўра, ушбу жамоатчилик тузилмалари томонидан биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида ота-оналар ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича 26 мингга яқин, маънавий-ахлоқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган 31 мингдан ортиқ, физиологик билимларини бойитиш юзасидан эса 21 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилган. Жумладан, бугунги кунда "Ота-оналар университети"да оила ҳуқуқи, маънавияти ва иқтисодиёти, тиббий-биологик асослари, маънавий-ахлоқий тарбия, ушбу масканда соғлом турмуш тарзи каби йўналишларда машғулотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар билан ҳамкорликда қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдамлашиш, эрта никоҳлар ва оилавий низоларнинг олдини олиш, тўй ҳамда бошқа маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишга йўналтирилган "Кенгашли тўй тарқамас", "Келин ва қайнона муносабати", "Мен бахтли она бўламан", "Она бўлишга тайёрмисиз?", "Оила ва никоҳ — муқаддас", "Оилавий қадриятлар", "Оилада келиннинг роли", "Сиз оила бўсағасида", "Оила ва саломатлик" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаётир.

Бухоро туманидаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 200 га яқин ёш оила истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти маҳалла ҳузурида жамоатчилик асосида ташкил этилган "Ота-оналар университети"нинг фаол тингловчиларидир.

— Университет машғулотларига маҳалламизда истиқомат қилаётган ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, психолог, педагог ҳамда катта ҳаётий тажрибага эга зиёлиларни, шунингдек, ҳудуддаги ташкилотларнинг малакали ходимларини жалб этмоқдамиз, — дейди ушбу жамоатчилик тузилмаси раҳбари Самия Жўраева. — Тадбирларда ота-оналарнинг дунёқараши, ҳуқуқий ва физиологик билимларини оширишга эътибор қаратаяпмиз. Бу оилаларда соғлом муҳитни, ўқувчи-ёшлар давоматини ҳамда бандлигини таъминлашда, уларни спорт машғулотлари ва тўгаракларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ёшлар учун «Камолот» уйлари

*Юртимизда эртамиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.*

**ҒАМХЎРЛИК**

Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида "Камолот" уйлари бунёд этилиб, ёшларга имтиёзли кредитлар асосида берилмоқда.

Марғилон шаҳрида ҳам ана шундай тураржой биноси барпо қилинди. Бунёдкорлик ишларига 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. 46 хонадонга мўлжалланган мазкур "Камолот" уйининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Унда сўз олганлар юртимизда янги авлод вакилларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари йўлида Юртбошимиз раҳнамолигида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

— Турмуш ўртоғим билан шинам уйимиз бўлишини орзу қилардик, — дейди "Ўзтелеком" Марғилон филиали ходими, спортчи Дилмурод Абдураҳмонов. — Энди икки хонали хонадонга эгамиз. Давлатимиз биз, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиб, шундай қулай имкониятлар яратиб бераётган экан, бунга жавобан бор кучимиз ва билимимизни ишга солиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшиш бурчимиздир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлари инвесторларни эътиборсиз қолдирмайди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Foton" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишган хорижлик мутахассислар унинг инвестициявий имкониятларини юқори баҳолади. Чунки мазкур ишлаб чиқариш субъектида тўпланган бой тажриба сифатли электротехника маҳсулотларининг янги авлодини ишлаб чиқариш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, энг асосийси, экспорт ҳажмини ошириш имконини бераяпти. Масалан, ўтган йили корхонада 17 миллиард 172 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан 3 миллион 617 минг АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди. Бу кўрсаткичлар истиқболда ҳам мунтасил ошиб бораверади. Чунки ҳар йили ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестициявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаяпти. Хусусан, 2016 йилда назорат касса аппаратларининг замонавий модели, 42 дюймли LED телевизорларини ишлаб чиқариш бўйича тайёрланган инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилиши кутилаяпти. Халқаро инвестициявий форум эса бу борада молиявий ҳамкорлар топиш учун айни муддаодир.

— Нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида сармоявий ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади, — дейди **Жанубий Кореянинг "D&H International" компанияси директори Тай Хё Чи**. — Негаки, мамлакатимиздан ташриф буюрган ишбилармонларнинг барчаси ўз бизнесини юртингиз билан боғлаш ниятида. Хусусан, биз бугун Тошкент шаҳридаги корхоналарда бўлиб, уларнинг саноат салоҳияти билан яқиндан танишдик. Шу жараёнда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга лойиқ. Танишув асносида бизда "Оникс" акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик қилиш истаги туғилди.

Чет эллик меҳмонлар кун давомида пойтахтимизнинг кўплаб саноат корхоналари, тижорат банклари, суғурта компанияларида бўлдилар, Тошкент шаҳрида амалга оширилиши мўлжалланаётган яқин ва узоқ муддатли инвестициявий лойиҳалар, ҳамкорларга тақдим этилаётган имтиёзлар, мижозларга кўрсатилаётган замонавий хизматларга юксак баҳо бердилар. Бу эса тенг манфаатли ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

* * *

Эрта тонгдан азим Тошкентдан тараққиётимиз тимсолларидан бири бўлган "Афросиёб" тезюрар поездида кўҳна ва ҳамиша навқирон **Самарқанд**га йўл олган меҳмонлар қисқа вақт ичида кўзланган манзилга етиб келди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби ушбу вилоятда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ҳамда бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Пировардида кўҳна меъморий ёдгорликлар реставрация қилинди, хиёбонлар, темир йўл вокзали, бозорлар, маданият ва истироҳат боғлари барпо этилиб, мавжудлари ўзгача қиёфа касб этди.

Шу билан бирга, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам йилдан-йилга юксалиб бораяпти. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 фоиз ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда чакана товар айланмаси 14 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 13 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6 фоиз кўпайгани ана шундан далолат беради.



Бугунги кунда вилоятда иш билан банд аҳолининг 83 фоизи эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган даврда 766 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани туфайли унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 83,7 фоизга етгани кимни ғурурлантирмайди, дейсиз?!

Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2 триллион 52 миллиард сўмга етиб, саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 297 лойиҳа амалга оширилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Халқаро инвестициявий форум қатнашчилари ана шундай салоҳияти юқори ҳудудга меҳмон сифатида келганидан мамнунлигини сафар давомида такрор-такрор таъкидлашди.

Дастлаб меҳмонлар "Самарқандкимё" акциядорлик жамияти фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ерда улар мазкур ишлаб чиқариш субъектининг имкониятлари нақадар кенглигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдилар.

Хориждаги йирик корпорациялар, бизнес тузилмаларининг вакиллари шаҳардаги "Sino" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш жараёнини ҳам катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Бу ерда импорт ўрнини босувчи музлаткичлар, яхна ичимликлар ва маҳсулотлар учун витриналар, кондиционерлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Заводда "ISO-9001:2000" ва "ISO-1401:1996" халқаро ҳамда экологик менежмент тизимлари жорий этилгани ҳамкорлар сафи кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

— Ушбу корхона дунёга Авиценна номи билан танилган, шу мамлакатда туғилиб, вояга етган Абу Али ибн Сино номи билан аталиши ва бунинг сабабини эшитиб, ҳайратга тушдим, — дейди **Испаниянинг "Acciona Infrastructure" компаниясининг Шарқий Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича директори Хуан Хосе Фернандес**. — Айтишларича, бу зот тиббиёт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиш баробарида, ўз даврида турли маҳсулотларни музлатиб, сақлаш мумкинлигини исботлаган экан. Қарангки, "Sino"да ҳам ўз номига муносиб бўлиши учун барча шарт-шароит мавжуд.

Жумладан, корхонада маркетинг тадқиқотлари чуқур олиб борилаётганига гувоҳ бўлдим. Ушбу брендининг ташқи бозорда ҳам довруқ қозониши имконияти эса катта. Режалаштирилган инвестициявий лойиҳалар рўёбида, айниқса, форум қулай платформа вазифасини ўташига ишонаман.

Бизнинг компаниямизга келсак, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти билан технологик инвестиция соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Бу жараён ижобий якунланишидан манфаатдормиз.

Бир гуруҳ меҳмонлар Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси — "Agalik-Lohmann-Parranda" акциядорлик жамиятини ҳам бориб кўрдилар. Бу жамоада халқимиз учун парҳез маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

— Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, таассуротларим бир олам, — дейди **Швейцариянинг "Bombardier" компанияси вакили Флавио Канетти**. — Масалан, дунёга донғи кетган Самарқанднинг иқтисодий-сармоявий салоҳияти билан танишдим. Айниқса, бу шаҳарда туризм, транспорт-коммуникация ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигига гувоҳ бўлдим. Форум эса "Agalik-Lohmann-Parranda" акциядорлик жамиятига ўхшаган замонавий корхоналар тизимини кўпайтиришга катта туртки беради, албатта.

Кези келганда, яна шуни айтишни истардимки, бизнинг компаниямиз транспорт, авиасозлик тармоқларида фаолият юритади. Форум давомида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ушбу йўналишлардаги алоқаларни йўлга қўймоқчимиз.

Анжуман иштирокчилари яна кўплаб бошқа объектлар билан танишдилар, шаҳарнинг кўҳна обидаларини томоша қилдилар. Айниқса, уларда Регистон мажмуаси катта таассурот қолдирди.

* * *

Қайси давлатда сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилган бўлса, ўша жойга интилиш кучаяди. Бугунги кунда Ўзбекистон дунё миқёсида ана шундай мамлакат сифатида тан олинмоқда. Бу **Бухоро вилояти** иқтисодиётида кузатилаётган жадал ривожланиш суръатлари, чет эллик инвесторларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Халқаро инвестициявий форум доирасида ушбу ҳудуднинг турли жойларида ўтказилаётган бизнес мулоқотлар, тақдимот ва учрашувларда айни шу масала бот-бот эътироф этилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Бухорода ҳам кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада ҳududнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб, аҳоли турмуши янада яхшиланиб бораётир. Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодиётида саноатнинг улуши 3 баробар ортгани, айни пайтда 20 дан зиёд давлатларнинг ишбилармонлари сармояси иштирокида 70 дан ортиқ қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилгани бунинг яққол исботидир.

"Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси ва "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниясига қарашли "Бухоро таъмирлаш механика заводи" акциядорлик жамияти — ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан ҳисобланади. Мазкур жамиятда бурғилаш ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилиши баробарида, таъмирлаш ҳамда сервис хизматлари ҳам кўрсатилади. 168 нафар кишидан иборат жамоа аҳли жорий йилда 10 миллиард 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

— Нуфузли халқаро форум доирасида бизга юртингиз саноат корхоналари салоҳияти билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилгани айни муддао бўлди, — дейди **Грециянинг "МЕТКА" компанияси вакили Себастян Лагадитис**. — Гап шундаки, жамоамиз энергетика соҳаси билан шуғулланади. Шунинг учун Бухоро вилоятидаги шу тармоққа дахлдор корхоналар фаолияти бизда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси тизимидаги ишлаб чиқариш субъектларининг изчил модернизация қилинаётгани, энергияни тежовчи технологиялардан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Бунга мазкур завод фаолияти билан танишиш чоғида яна бир карра гувоҳ бўлдик. Шу маънода, айтишим мумкинки, Ўзбекистон — ишончли сармоявий ҳамкор мамлакат.

Хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган "Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш" акциядорлик жамияти ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у юртимиз нефть ва газ қудуқларини капитал ҳамда жорий таъмирлаш бўйича энг йирик субъектлардан бири саналади. 2013 йилда 26,2 миллион долларлик, 2014 йилда 31,2 миллион долларлик ишлар бажарилгани, бу кўрсаткич жорий йилда 37,6 миллион долларга етказилиши кутилаётгани бунинг тасдиғидир.

— Сир эмаски, жаҳонда бундан бир неча йиллар илгари бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари ҳали-ҳамон сезилиб турибди, — дейди **Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор Эдгар Клозе (Германия)**. — Бироқ шунга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бу юртингизда инқирозга қарши ўзига хос "иммунитет" яратилгани натижасидир. Соғлом иқтисодий муҳит эса — инвестиция киритиш учун муҳим омилдир. Бунга Бухоро вилоятига ташрифимиз давомида ўзимиз амин бўлдик.

* * *

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида буюк бобокалонимиз номи билан аталувчи **Навоий вилояти**нинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида бу ерда барпо этилган йирик корхоналар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари аллақачон саноатимизнинг гултожига айланган.

Қувонарлиси, мазкур ҳудудда саноатни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали замонавий корхоналарни ташкил қилиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш борасидаги ишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Пировардида жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулотни 4,3, саноат маҳсулотларини 2,3, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 12,6 фоиз кўпайтириш таъминланди. Айни чоғда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6, қурилиш ишлари 5,9, чакана савдо айланмаси 15,4, жами хизматлар ҳажми 18,7 фоиз ўсди.

Ўтган даврда, шунингдек, вилоятда иқтисодиёт тармоқларига жалб этилган инвестицияларнинг 7 миллиард 500 миллион сўмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг ҳисобига эса 741 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Навоий вилоятига ташриф буюрган Халқаро инвестициявий форум иштирокчиларининг бир гуруҳига шулар ҳақида батафсил маълумот берилган бўлса, улар ҳудудда кузатилаётган барқарор ривожланиш суръатларига "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти фаолияти мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

— Бу корхонадан бой таассуротлар билан қайтаяпмиз, — дейди **"Heidelberg Cement" компанияси (Германия)нинг Марказий Осиё ва Марказий Европа бўйича ижрочи директори Андреас Керн**. — Сабаби, унинг фаолияти билан танишиш асносида бизда жамият акцияларининг 35,9 фоизини сотиб олиш истаги туғилди. Айни пайтда бу борада музокаралар олиб бораяпмиз. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур хўжалик юритувчи субъектга ўхшаш ана шундай йирик корхоналарга эга Ўзбекистоннинг, ишончим комилки, бундан буён ҳам иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланаверади.

Хулоса ўрнида айтганда, Халқаро инвестициявий форум чет эллик сармоядорларга барқарор ривожланиб бораётган Ўзбекистонда ўз бизнес фаолиятини бошлаш, юртимиз ишбилармонлари билан тенг манфаатли ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун қулай имкониятни тақдим этаётгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Аҳоли фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Берилаётган преференциялар билан бирга, бу уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш учун самарали молиявий рағбат бўлади. Бу борада солиқ юкининг йилдан-йилга камайиб бориши тадбиркорлик ҳаракатини мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

— 2016 йилги Давлат бюджети лойиҳасида туризм ҳамда сервис соҳаларини бугунги кунда иқтисодиётнинг истиқболли йўналишлари сифатида қўллаб-қувватлаш белгиланаяпти, — дея таъкидлади **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акмал Умирзаков**. — Фракциямиз аъзолари мамлакатимизнинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий ва туристик салоҳиятини асраб-авайлаш, сақлаш, оммалаштириш ҳамда тарғиб қилишга қаратилган сарф-харажатлар қисмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар. Ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан 22 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, улар мамлакатимиз маданий ва археологик мерос объектларида таъмирлаш ҳамда консервация ишларини амалга ошириш бўйича дастурларни молиялаштиришга йўналтирилади. Назаримизда, бу тарихий, маданий ҳамда интеллектуал меросимизни сақлаш ва кўпайтириш, ўзбек халқининг бой тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш, оммалаштириш, унинг ютуқларини ўсиб келаётган авлод орасида кенг тарғиб қилиш имконини беради.

— Партиямиз фракцияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳисобига ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўловлари сарф-харажатларини оптималлаштириш бўйича ишларни давом эттиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Аксавли Тумишова**. — Келгуси йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети харажатларининг 59,2 фоизини йўналтириш кўзда тутилган. Фракциямиз аъзоларининг фикрича, аҳоли бандлигини таъминлаш кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили ҳисобланади. Асосан, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланадиган бандликка кўмаклашиш давлат фонди даромадлари 2016 йилда ишсизларни касбга йўналтириш ҳамда қайта тайёрлаш, бандликка кўмаклашувчи марказлар ишларини қўллаб-қувватлаш, ишсизлик нафақаларини тўлаш ва бошқа харажатларни таъминлайди. Қишлоқ аҳли турмуши сифатини юксалтириш, улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳудудларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш давом эттирилади.

— Аниқ мақсадга йўналтирилган изчил бюджет сиёсати ўсиб келаётган авлоднинг замонавий билимларни ҳамда касб эгаллашини кафолатлайди, — дея таъкидлади **Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Жамшид Пирматов**. — Бу партиямиз устувор вазифаларига тўла жавоб беради. Шунингдек, келгуси йилда таълим соҳасига Давлат бюджетидан ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз кўп маблағ ёки бюджет харажатларининг 33,8 фоизини йўналтириш режалаштирилган. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар бюджет харажатларининг 14,1 фоизини ташкил қилади. Бу тизимни ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирни молиялаштиришни таъминлайди. Маданият ва спорт ривожига ҳам катта миқдорда маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

— Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига республика ҳудудларида аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш дастурларини амалга ошириш, коммунал-дренаж хўжалиги объектларини қуриш ҳамда реконструкциялаш мақсад қилиб қўйилган, — дейди **Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси Сергей Самойлов**. — Давлат бюджетининг келгуси йил учун кўрсаткичларини муҳокама этиб, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги, Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни айтдик.

Йиғилиш давомида депутатлар Давлат бюджети лойиҳаси бўйича амалий таклифлар билдирдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Маҳалланинг «Ота-оналар университети»

## аҳолининг оилавий муносабатлар билан боғлиқ билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маҳалламиз қошидаги "Ота-оналар университети"да обрў-эътиборга эга 9 киши фаолият юритаяпти, — дейди Нукус шаҳридаги "Шоирлар овули" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муратбек Тажимуратов. — Ушбу тузилма томонидан ота-оналарни бола тарбияси ҳақидаги билимлардан воқиф қилиш, уларнинг ёш авлод тарбиясига оид ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Машғулотларда маҳаллада истиқомат қилаётган ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасида турган ўсмирлар, фарзанд тарбиясида, оилани бошқаришда муайян маслаҳатга муҳтож бўлган фуқаролар иштирок этаётир. Тадбирлар доирасида оиланинг ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, ахлоқий, тиббий-биологик асослари ва ушбу масканда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган машғулотлар ташкил қилинаётгани улар учун манфаатли бўлмоқда.

— "Ота-оналар университети"нинг бир нечта машғулотларида иштирок этдим, — дейди Нукус юридик коллежи ўқувчиси Рамуза Палванова. — Айниқса, тўй ҳамда бошқа маросимларни ихчам, миллий урф-одат ва анъаналарга мос ҳолда ўтказиш, оила маънавияти билан боғлиқ аждодларимиз ўгитларининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирлар менда катта таассурот қолдирди. Уларда сўзга чиққан маҳалладошларимнинг ёшлар тарбиясига оид ҳаётий мисоллари, жўяли фикрларидан тегишли хулосалар олдим.

Шўрчи туманидаги "Ёш ғайрат" маҳалла фуқаролар йиғинида салкам 3500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Яқинда бу ерда намунавий лойиҳалар асосида 45 та уй-жой қурилиб, ҳудуд кўркига кўрк қўшилди. Янги массивда аҳоли учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Бундай ғамхўрликка жавобан маҳалла аъзолари ўзларини ҳар жабҳада намоён этмоқда. Фуқаролар йиғинида кейинги йилларда кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорлик ривожланиб бораётгани эътиборлидир. Маҳалла фаоллари аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш ва кам таъминланган оилаларга ҳовлисида қорамол ҳамда парранда боқиши учун шарт-шароит яратиб беришга кўмаклашмоқда.

— Бундай ютуқ ва натижаларда фаолларимиз, жумладан, "Ота-оналар университети" аъзоларининг салмоқли ҳиссаси бор, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўрол Шерхонов. — Катта ҳаётий тажрибага эга, эл орасида обрў-эътибор қозонган 11 кишилик жамоа аъзолари ҳудудимиздаги ота-оналарга фарзанд тарбиясига доир билимларини юксалтиришга ёрдамлашиб келаяпти. Ана шу фидойи инсонлар саъй-ҳаракати билан оилавий ажрашиш ҳамда низоли ҳолатларнинг олди олинмоқда. Шуларга мос равишда жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари умуман қайд этилмади.

— Маҳалламизда "Ота-оналар университети" фаолияти самарали йўлга қўйилган, — дейди Самарқанд шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Кимё Абдурашидова. — Ҳудудимизда 630 та оила бўлиб, ота-оналарнинг ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий билимларини ошириш бўйича




муҳим режалар ишлаб чиқилган. "Ота-оналар университети" ўтказаётган йиғилишларда фарзанд тарбияси, оилани бошқариш ва унинг бюджетини шакллантириш, шунингдек, болани тўғри овқатлантириш каби масалалар муҳокама қилинаяпти. Ушбу машғулотларда ички ишлар, халқ таълими, тиббиёт муассасалари ходимлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари қатнашаётгани айни муддао бўлаётир. Масалан, шифокор Г. Элтазарованинг "Соғлом оила қандай шаклланади?" мавзуидаги чиқишидан кўпчилик аёллар ўзлари учун зарур тиббий билимларни олди.

Пойтахтимиздаги "Қушбеги" маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини самарали ташкил этишда ҳам "Ота-оналар университети"нинг аҳамияти катта. Унинг таркибига ибратли оилалар вакиллари, тажрибали муаллимлар, ижодкор ҳамда олимлар киритилган. Улар томонидан фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишга қаратилган машғулотлар олиб борилмоқда.

— Мазкур тузилма аъзолари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб машғулотлар ўтказилди, — дейди ушбу фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Доно Қорабоева. — Тадбирларга ижодкорлар, шифокорлар, ўқитувчилар жалб этилди. Натижа шунга яраша бўлаяпти, фуқароларнинг ҳуқуқий, физиологик ҳамда маънавий-ахлоқий билимлари бойиб, уларнинг оилага нисбатан масъулияти янада юксалмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда маҳаллалар, улар ҳузуридаги турли жамоатчилик тузилмалари, хусусан, "Ота-оналар университети" оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ билимларини бойитишга кўмаклашишда, маҳаллалар ва оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фаол қатнашмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

**Бухоро томонларда**

*Бухоро шаҳридаги “Hafsikabir tur servis” оилавий корхонаси меҳмонхона қуриб, фойдаланишга топширди. Бир пайтнинг ўзида 20 кишига хизмат кўрсатадиган, замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган ушбу муҳташам иншоотда сайёҳлар учун барча қулайлик яратилган.*

## Туризм инфратузилмаси такомиллашмоқда

Шундай қилиб, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳридаги меҳмонхоналар сони 91 га етди. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими маълумотларига қараганда, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятда иш бошлаган бундай объектларнинг 15 таси оилавий корхоналар томонидан бунёд этилди.



## Солиқ тўловчиларга қулайлик

*Когон шаҳар давлат солиқ инспекциясининг янги биноси фойдаланишга топширилди.*

Уни “Вобкентсантехстроймонтажсервис” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари барпо этишди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 216 миллион сўм бўлган қўшқаватли бинода соҳа ходимлари ҳамда солиқ тўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Иншоотнинг замонавий алоқа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланганлари мижозларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш имконини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Фарғонанинг Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Одинахон Холиқова мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” унвонига сазовор бўлди.*

# БИР ОЛАМ МЕҲР

**Я**нги ўқув йили бошланган кунларда Одинахонни табриклагани мактабга бордик. У 35 йилдан бери бошланғич синфларга дарс бераркан. Шу топда биринчи синф ўқувчилари ҳузурига кириб бораётганини айтди. Қизиқиб, 45 дақиқалик дарсини тинглашга изн сўрадим. Ахир у кечагина қушлардек учиб, бепоён кенгликларга ҳам сиғмай ўйнаб юрган болаларни бир синфга тўплаб, дарс ўтади-я! Тўрт-беш кун ичида кичкинтойларни ўзига қаратиб улгурдимикан?!

Синфга кириб борганимизда, ширинтойлар баб-баробар ўринларидан туриб, жарангдор овозда: “Ассалому алайкум!” дейишди. Ўқитувчи меҳр билан алик олгач, улар жойларига одоб билан ўтирдилар ва жажжи нигоҳлари тамоман ўқитувчига қаратилди.

Мен орқароқдан жой олиб, болалар қатори муаллимага термилдим. Ва Одинахоннинг кўзларида бир олам меҳр порлаб кетганини кўрдим. Бир олам меҳр, бир олам ҳаяжон ва майин овоз!

Ўқитувчи болалар эътиборини тамоман ўзига қаратиб, сокин, ёқимли сўзларди:

— Оппоқ қушлар майдончага қўнди. У ён, бу ён қарагач, аввал иккитаси, кейин учтаси учи-иб кетди. Қани... болажонларим, ўйлаб кўринг-чи, оппоқ қушлар нечта экан-а?

Муаллима бу саволни яна бир карра такрорлар экан, болажонлар орасида аста юрар, гўё ҳар бирига ҳарорат улашарди. Ширинтойлар эса жажжи бармоқчаларини букиб-букиб санашди-ю, бир йўла бир нечтаси қўл кўтариб, бирин-кетин бурро-бурро жавоб бердилар.

— Оппоқ қушлар бешта экан, устоз!

— Баракалла! Фирдавс, Аҳрорбек, Мафтуна... Офарин! Мана, ҳар бирингизга “Офарин!” ёрлиғи.

Болаларнинг шу топдаги хурсандчилигини бир кўрсангиз эди. Уларнинг кафтига “Офарин!” сўзи ёзилган жажжи, чиройли қоғоз эмас, гўё “Ҳумо” қуши қўнгандек...

Устоз енгил одимлар билан парталар оралаб юраверди. Жиддий, самимий сўзлаб, илм, рағбат улашаверди. У болаларга жўр бўлиб, ниҳоятда завқ-шавқ билан яйраб-яшнаб бадантарбия қилдирганида ҳам, тўрт қатор қўшиқни биргаликда куйлаганида ҳам унинг ёруғ нигоҳи болаларни эркалар, гоҳ қўллари билан уларнинг жажжи елкаларини, пешоналарини аста-аста силаб ўтар, унинг бу ҳаракатларидан ҳар бир қалбга меҳр тафти сингиб бораётган эди.

Шу чоқ ўқитувчининг “Тун” деган сўзи гўё нафис куйдек, алла оҳангидек эшитилди-ю, болалар парталарга аста бош қўйиб, “ухлаб” қолдилар. Синфхона сув қуйгандек жимжит. Сеҳрли, оромли лаҳзалар...

Ўқитувчи бу пайт товушсиз юриб, ёзув столи устидаги буюмларини, китоб дафтарларни дераза раҳига қўйди. Гулларни гулдонлари билан ёзув столига келтирди. Икки дақиқа чамаси вақт ўтди шекилли, ўқитувчи аста “Тонг” деди. Болалар биринкетин бош кўтариб, муаллимага тетик, бардам руҳда қарадилар.

— Қани, айтинг-чи, болажонларим! Сиз “ухлаган” пайтда синфхонада қандай ўзгариш рўй берибди? — сўради муаллима.

Болалар атрофни кузатдилар ва ҳадемай кўпчилиги қўл кўтариб, тўғри жавоб айтдилар. Яна рағбат, яна олқиш.

— Болажонлар! — деди муаллима, — сиз ҳар доим синчков, кузатувчан бўлинг. Синфга ёки уйга кириб келганда, кўчага ўйнагани чиққанда ҳам, ҳамма-ҳамма жойда атрофингизда нималар борлигини кузатинг ва билиб олинг. Ана ўшанда сиз зийрак, уқувли, аълочи ўқувчилар бўласиз. Катта бўлганингизда эса Ватанимизни, унинг тупроғини кўз қорачиғидек асрай оласиз! Хўпми, болалар?

— Хўп бўлади, устоз!

Қўнғироқ чалинганда ўқитувчи сўзини якунлагани йўқ эди. Қарангки, 45 дақиқа сабр-қаноат билан фақат ўқитувчининг нигоҳида ўтирган болажонларнинг биронтаси отилиб, кўчага чиқиб кетмади. Ҳаммаси одоб билан устознинг рухсатини кутишди.

Одинахон билан синфдан чиқиб келар эканмиз, мен унинг тўрт-беш кун ичидаёқ болаларни ўзига мафтун қила олганидан лол эдим. Ва бугунги авлод, бугунги устозлар бизнинг эллигинчи, олтмишинчи йиллардаги ўқувчилардан, ўқитувчилардан анча илгарилаб кетганини дилдан ҳис этдим. Президентимизнинг Ўзбекистон Ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригидаги мана бу сўзларни эсладим: “...тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман”.

Дарҳақиқат, ўқитувчилар эртамиз эгаларини тарбиялаяптилар.

Одинахон билан кейинроқ бафуржа суҳбатлашар эканмиз, у “Биринчи устозим — онам!” деганида овози хиёл титраб кетганини сездим.

— Афсуски, — деди у давом этиб, — ота-онам Ватанимизнинг мустақилликка эришган кунларини кўрмадилар. Онам 52 ёшда, отам 65 ёшда вафот этдилар. Отам Носирхўжа Дадахонов Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, кейин иқтисодчи бўлган эдилар. Онам Салимахон Дадахонова мактабни битирибоқ, биринчи синфларга дарс берганлар. Институтда сиртдан ўқиганлар. Онам болаларни, ўқитувчилик касбини шунчалар қаттиқ севардиларки... Онамга ҳавас қилиб, биз олти нафар қизларидан тўрттамиз ўқитувчиликни танлаганмиз.

— Асал қизларим! — дердилар бизни кўпинча ёнларига ўтқазиб. — Шукр, қалбингиз тоза, меҳрибон, ширинсўз, ақлли қизлар бўлиб вояга етаяпсиз. Китоб ўқишга ҳам ҳавасингиз зўр. Мен сизларнинг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб етишишингизни жуда-жуда хоҳлардим. Ана ўшанда менинг ишларимни мендан яхшироқ давом эттирасиз, деб ишонаман.

Азиз ва муқаддас она! Қизларини жонидан ортиқ севиб, уларнинг қалбларига эзгулик гулларининг бўйини олиб кирган, ўзи каби болажон муаллима бўлишларини юрак-юракдан орзу қилган онаизор!

Руҳингиз шод бўлсинки, орзуларингиз ушалган. Сизнинг яхши ниятларингиз асло уларнинг ёдидан чиқмади. Қизларингиз элсевар, юртсевар муаллималар бўлиб, халқимизга хизмат қилишаяпти. Одинахон қизингизни бугун бутун Ўзбекистон билади.

**О**динахон Олтиариқдан Қувага келин бўлиб тушган. Қайнонаси Мукаррам аядан оила илмини ўрганди. Турмуш ўртоғи, тадбиркор Анваржон Холиқов билан аҳил яшаб, Аҳрорбек, Аббосбек ва Дурдона исмли фарзандларини илму ҳунарли қилишди. Куёв, келин ва набиралар кўришди.

Одинахон билан суҳбатимиз давом этар экан, забардаст бир йигит қўлида гул билан кириб келди. Устозини муборакбод этди. У Турон яккакураши бўйича Осиё чемпиони Муҳриддин Абдухалилов экан. Кейин у ҳамёнидан орден-медаллари шодасини олиб, Одинахоннинг бўйнига тақиб қўйди. Самимий кулиб, деди:

— Булар, аввало, Сизники, устоз! Сиз мени бошланғич синфдаёқ лаёқатимни сезиб, спортга қизиқтиргансиз. Мард, қўрқмас йигит бўлишни доим ўргатгансиз. Мен сиздан бир умр миннатдорман, устоз!

— Раҳмат, ўғлим! Бошим осмонга етди. Мукофотлар ўзингга ярашади. Ма, ол! Бу кетишда сен ҳали жаҳон чемпиони бўласан. Илоҳим, омадингни берсин! — астойдил дуо қилди устоз.

Шу куни Одина Холиқова ҳақида унинг ҳамкасблари — Мақсуда Раҳимова, Замира Тошқўзиева, Комила Пўлатова, Манзура Назриддинова, Мавлуда Комилова, Тошмамат Усмонов, Иброҳимжон Қўчқоров дил сўзларини айтдилар.

Улар таъкидлаганидек, бу юксак унвон устозни янги марралар сари чорлайверади. Зеро, у ёш авлодга янада юксак меҳр-муҳаббат, ақл-идрок ва изланиш билан дарс бериб, замонамизга муносиб авлодларни тарбиялашни ҳаётининг мазмуни, инсоний бурчи, деб билади.

**Санъат МАҲМУДОВА.**
Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

ИЗЛАНИШ

## Кичкинтойлар учун миниавтомобиллар

*Андижон шаҳридаги “Сезам савдо саноат” хусусий корхонасида болалар учун велосипедлар ишлаб чиқарилади. Яқинда бу ерда амалга оширилган техник ва технологик янгиланишлар натижасида кичкинтойларга мўлжалланган миниавтомобиллар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.*

Ушбу лойиҳа рўёбига 162 минг АҚШ долларилик сармоя йўналтирилди.

— Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият кўрсатаётганлигимиз туфайли барқарор ўсиш суръатларига эришаяпмиз, — дейди мазкур жамоа раҳбари Олимжон Элчиев. — Ўтган йили 25 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, шу йилнинг тўққиз ойида мазкур кўрсаткич 34 мингга етказилди. Бинобарин, 25 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Айтиш жоизки, Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, айни пайтда вилоятдаги 16 та корхонада 25 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

ЭЪЛОНЛАР

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 декабрдаги 11-1236/9722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қушёғоч» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 22,887 гектар бўлган чорвачилик фермаси биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 164 800 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 10 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1651А/24

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

* 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 275 290 248 сўм.***

* 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 315 714 753 сўм.***

* 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 286 998 967 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 334 878 951 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 261 991 825 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат бўлган, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 461 448 931 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат бўлган, «Файз-2003 йил» МЧЖга тегишли чорвачилик фермаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 404 997 627 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 20 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

1652R/02

**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари ва тиббий буюмларни марказлаштирилган асосда, ўтказилган тендер савдоларида фойдаланилмаган ҳамда иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига қуйидаги дори воситалари, реактивлар ва тиббий буюмларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади.**

| Т/р | Халқаро патентланмаган номи | Савдо номи | Дори шакли | Ўлчов бирлиги | Керакли сони |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Метамизол натрий | Аналген | инъекция учун эритма 50% 2 мл № 5 | қадоқ | 1000 |
| 2. | Парацетамол | Парацетамол | таблеткалар 500 мг № 10 | қадоқ | 800 |
| | | Парацетамол | сироп 57,64 мг/мл | флакон | 800 |
| | | Парацетамол | шамчалар 125 мг № 10 | қадоқ | 800 |
| 3. | Дифенгидрамин | Димедрол | инъекция учун эритма 1% № 10 | қадоқ | 5560 |
| 4. | Прокаин | Новокаин | инъекция учун эритма 0,5% 5 мл № 10 | қадоқ | 3600 |
| 5. | Строфантин | Строфантин | инъекция учун эритма 0,025% 1 мл № 10 | қадоқ | 400 |
| 6. | Нифедипин | Коринфар | таблеткалар 5 мг № 100 | қадоқ | 163 |
| 7. | Кетопрофен | Кетонол | инъекция учун эритма 100 мг/2 мл № 10 | қадоқ | 1500 |
| 8. | Метоклопрамид | Церукал | инъекция учун эритма 5 мг/2 мл № 10 | қадоқ | 2000 |
| 9. | Магний сульфат | Магний сульфат | инъекция учун эритма 25% 5 мл № 10 | қадоқ | 1000 |
| 10. | Ацетилсалицил кислотаси | Ацетилсалицил кислотаси | таблетка 500 мг № 10 | қадоқ | 1000 |
| 11. | Дротаверин | Нохшаверин | инъекция учун эритма 40 мг/2 мл № 5 | қадоқ | 1630 |
| 12. | Аминофиллин | Эуфиллин | инъекция учун эритма 2,4% 5 мл № 10 | қадоқ | 1700 |
| 13. | Калий йодиди | S-йодид | таблеткалар 100 мкг № 50 | қадоқ | 1000 |
| 14. | Дексаметазон | Дексаметазон | инъекция учун эритма 4 мг/мл № 10 | қадоқ | 1725 |
| 15. | Декстроза | Глюкоза | инъекция учун эритма 40% 10 мл № 5 | қадоқ | 1000 |
| 16. | Натрий тузлари (хлорид) | Натрий хлорид | инфузия учун эритма 0,9% 200,0 мл | флакон | 917 |
| 17. | Ичиш учун тузли регидрация таркиби* | Регидратацион туз АТМ | пакетланган кукун № 12 | қадоқ | 400 |
| 18. | Гентамицин сульфат | Гентамицин сульфат | инъекция учун эритма 40 мг/2 мл № 10 | қадоқ | 815 |
| 19. | Гемоглобинни аниқлаш учун тўплам | | 10*500 мл 5000 опр. | қадоқ | 163 |
| 20. | Глюкозани аниқлаш учун тўплам | | 4*100 мл 400 опр. | қадоқ | 163 |
| 21. | Бир маротаба ишлатиладиган стерилланган скарификаторлар | | | дона | 128511 |
| 22. | Стерилланмаган тиббий қўлқоплар | | ўлчам № 7 | дона | 6200 |
| | | | ўлчам № 7,5 | дона | 6200 |
| | | | ўлчам № 8 | дона | 6200 |
| 23. | Тиббиёт этил спирти | | 70% 50 мл | флакон | 4600 |
| 24. | Дихлоризоцианид кислотаси натрийли тузи | АБК хлорактив | таблетка 1500 мг/ 0,5 кг | флакон | 170 |

Танловда талабгорларга қўйиладиган шартларни бажарган, харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

**Танлов комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 220100, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.

Телефонлар: (0-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26, факс: (0-362) 223-06-33,
e-mail: info.horezm@minzdrav.uz

**Банк реквизитлари.**
Молия вазирлиги ғазначилиги, Ғазна ҳисобварағи: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97500, МФО: 00014, Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001, махсус ҳ/р: 400121860334017950100054002, СТИР: 201989194.

1631А/772

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси Терапевтик стоматология факультети декани ўринбосари Ўринбой Абдуллаевга падари бузруквори

**Равшанбек АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази жамоаси директорнинг биринчи ўринбосари Ботиржон Алимуҳамедовга волидаи муҳтарамаси

**Машкура МАҲМУДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Мамлакатлар иқтисодий тараққиётини баҳолаш қатор мезонларга асосланади. Шулардан бири банк тизими фаолияти барқарорлигидир. Қувонарлиси, Ўзбекистон мазкур соҳада ҳам дунёда ўз мавқеини йил сайин мустаҳкамлаб бормоқда. Пировардида юртимиздаги қатор молия муассасалари жаҳондаги нуфузли рейтинг агентликлари ва халқаро экспертларнинг муносиб эътирофига сазовор бўлаётир.**

**Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан роппа-роса 20 йил муқаддам ташкил этилган “Асака” акциядорлик тижорат банкининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ушбу муассаса мулкчилик шакли ҳамда фаолият кўламидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, аҳоли кенг қатламларига малакали банк хизматларини кўрсатиб келаяпти. Бунда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида иш юритилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.**

**Айни пайтда “Асака” банки ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириб, мамлакатимиз молия бозоридаги иштирокини тобора кенгайтираяпти.**

**Муассасанинг 26 филиали, 87 минибанки, 421 жамғарма, махсус ва кўчма кассалари республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олган. Улар орқали кўрсатилаётган юқори сифатли банк хизматларидан 1,6 млн. нафар мижоз баҳраманд бўлаётир. Хусусан, автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, озиқ-овқат, фармацевтика, енгил саноат, транспорт, қурилиш ҳамда бошқа тармоқлар ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган сармоялар мазкур соҳалар ривожига янада кенг йўл очмоқда.**

ASAKA BANK

# ЮКСАК ИШОНЧ, БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ



Маълумки, ташқи ва ички бозор конъюнктураси ўзгаришларига ҳозиржавоблик — банклар фаолиятига доир устувор талаб. Шундан келиб чиқиб, “Асака” банки мамлакатимиз ҳамда хориждаги молия муассасалари билан вакиллик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, шу кунгача муассаса жаҳоннинг 350 дан ортиқ етакчи банклари билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди.

Инвестиция — иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч. Шу боис “Асака” банки ҳамиша сармоявий жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз хизматлари сифатини дунё стандартлари талаблари даражасига етказиш пайидан бўлиб келади. Бу орқали рақобатдош, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Бу эса маҳаллий ишбилармонлар ва хорижий ҳамкорлар эътиборини кенг жалб қилаяпти. Натижада “Асака” банки фаолияти жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари — “Moody’s” ва “Fitch Ratings” томонидан бир неча йиллардан буён кетма-кет “Барқарор” деб баҳоланмоқда. Қолаверса, дунёга машҳур “Euromoney”, “Global Finance” ва “The Banker” нашрлари “Асака” банкини бир неча бор “Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки” деб тан олди.

Умуман, амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида 2015 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк умумий активлари 6 653,4 млрд. сўмга, жами капитали миқдори эса 871,2 млрд. сўмга етди.

Бинобарин, республикамиз иқтисодиётининг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 3 016,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан 2 555,8 млрд. сўмлик қисми узоқ муддатли, 2 154,9 млрд. сўмлиги эса инвестициявий кредитлардир. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 751,6 млрд. сўм миқдорида сармоялар ажратилди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада соҳа вакиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатдош маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаяпти. Табиийки, ана шу жараёнда “Асака” банки томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида молия муассасаси томонидан мазкур соҳа вакилларига 967,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу сармоялар жойларда ишлаб чиқариш, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш, вилоят, шаҳар ва қишлоқлар иқтисодиёти ҳамда инфратузилмасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Хонадонларимиздаги қут-барака, турмушимиз фаровонлиги дастурхонимиз файзи билан ўлчанади. Бу эса юртимизда замин неъматларидан олинадиган юқори ҳосил, фермеру тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати билан тайёрланадиган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмига ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ана шу соҳаларда меҳнат қилаётган изланувчан ҳамда фидойи инсонларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифага айланган. Бунда Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қўл келмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ички истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга эришилаяпти. “Асака” банки жамоаси ана шу икки қарор ижроси доирасида ишбилармонларнинг 409,7 млрд. сўмлик лойиҳаларини молиялаштиргани эътиборга молик.




Хотин-қизларни иқтисодиётимиз тармоқлари, хусусан, оилавий бизнесга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ижросида ҳам молия муассасаси ўз сармоялари билан фаол қатнашаяпти. Чунончи, мазкур йўналишдаги вазифалар ижроси учун Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, 81,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири. Зеро, интилувчан, зукко, замонавий ёшларда бизнес лойиҳалар кўп. Бироқ ҳар қандай ишбилармонликка оид ташаббуснинг рўёби учун молиявий кўмак зарур. Шуни инобатга олган банк мутасаддилари ёш мутахассисларнинг тадбиркорликка оид лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай йигит-қизлар қарийб 9,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитларга эга бўлди.




Кейинги йилларда иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Буни давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштириш, бўш ётган биноларни салоҳиятли сармоядорларга инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматда сотиш бўйича эришилаётган ижобий натижалар ҳам яққол тасдиқлайди. Мазкур жараёнда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлаяпти. “Асака” банки ҳам шу йўналишдаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб, салмоқли ютуқларга эришмоқда. Масалан, ўтган қисқа даврда банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналарнинг 46 таси янги инвесторларга сотилди. “Банкрот” деб эълон қилинган ишлаб чиқариш субъектлари негизида молия муассасасининг 14 та шуъба корхонаси ташкил этилди. Мазкур мақсадлар рўёби учун 61,7 млрд. сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди. Натижада 4 109 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш фаолияти тикланган саноат тузилмаларида 439,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар тайёрланди ҳамда шундан 58,4 млн. АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.

Айтиш жоизки, аҳоли даромадларини омонатларга жалб этиш ва уларга жозибадор омонат турларини таклиф қилишда “Асака” банки мамлакатимиздаги тажрибали молия муассасаларидан бири саналади. Шу боис республикамизда жисмоний шахслар бўш пул маблағларини ушбу банк омонатларига топширишга катта қизиқиш билдирмоқда. Энг муҳими, бу туфайли аҳоли маблағлари ишончли сақланиши баробарида, уларга катта даромад ҳам келтираяпти. Мисол учун, ҳозирги кунда молия муассасаси томонидан миллий ва хорижий валютадаги 40 турдан ортиқ омонатлар жорий қилинган бўлиб, улар банкнинг барча филиалида расмийлаштирилмоқда. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 571,4 млрд. сўмни ташкил этди. Омонатчилар сони эса 1 миллион 564 минг нафардан ошди.

Яна бир гап. Бугун савдо-сотиқ амалиётини пластик карточкаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, тўлов тизимининг мазкур тезкор, қулай ва ишончли усули аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Банк томонидан шу кунгача 1 миллион 577,7 минг дона пластик карточка муомалага чиқарилди. Жойларда 10146 та терминал, 46 та инфокиоск ва 27 та банкомат ўрнатилди. 8837 та корхона ҳамда ташкилотларда “иш ҳақи” лойиҳалари жорий этилди. “Электрон ҳамён”лар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳажми эса 1,4 трлн. сўмни ташкил қилди.

Мухтасар айтганда, “Асака” банки йигирма йиллик фаолияти давомида мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу эса унинг мамлакатимиз ҳамда халқаро молиявий хизматлар бозоридаги мавқеи йилдан-йилга ошишида муҳим роль ўйнаяпти. Муҳими, банк жамоаси келгусида ҳам ўз фаолиятини изчил такомиллаштириб боришни мақсад қилган.

**«Асака» банки материаллари асосида Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.**

## ЭЪТИРОФ

**КИМ Санг Ил, “UzSangWoo” қўшма корхонаси бош директори:**

— Ўзбекистон — ишлаб чиқаришнинг барча тармоғида юксак салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда хорижий ишбилармонлар учун эса жозибадор инвестициявий муҳит яратилган.

Маълумки, мамлакатингизда барча соҳа қатори, автомобилсозлик саноати ҳам истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу эса инвесторларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Негаки, юртингизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сифати ҳамда хавфсизлиги жиҳатидан жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Меҳнат ресурслари етарли. Хом ашё захираси бой. Аҳоли эҳтиёжи юқори. Давлатнинг кўмаги беқиёс. Шу сингари омиллар автомобилсозлик ривожига хизмат қилмоқда. Масалан, бизнинг лойиҳамиз “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, 2011 йилда фаолият бошлагандик. 2013 йилдан бери “Асака” банкининг мижозимиз. Ҳозир ушбу молия муассасаси ишончли ҳамкоримизга айланган. Унинг мутасаддилари қисқа муддатда бизнес-режамизни кўриб чиқиб, сармоя ажратгани ишимизга унум бағишлади. Ажратилган кредит ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда маҳсулотлар сифатини оширишга муваффақ бўлдик. Хусусан, жорий йилда “GM Uzbekistan” автомобиллари учун 80 мингдан ортиқ эҳтиёт қисмлар жамламасини етказиб бердик.

Қисқаси, “Асака” банки бугун мавжуд талаб ва эҳтиёжга мос фаолият юритаётгани боис унинг мижозлари сафи кенгайиб бораяпти.

**Тимур РЎЗИМОВ, Беруний туманидаги “Agrofirma Temur Barakat” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда биз, ёшларга барча имконият яратилган. Шундан руҳланиб, Беруний туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежини тамомлагач, тадбиркор бўлишга аҳд қилдим. Бу ниятим мени “Асака” банки сари етаклади. Чунки ушбу муассасанинг ёшлар бизнес ғояларини қўллаб-қувватлашдаги фаоллиги ҳақида кўп эшитгандим.

Лойиҳамни ишлаб чиқишда ҳудудимиз аҳолисининг сархил меваларга бўлган эҳтиёжини пухта ўргандим. Банк жамоасига ғоям маъқул келди. Шу тариқа ажратилган кредит ҳисобидан беш кишини ёнимга олиб, боғдорчиликни йўлга қўйдим. Ҳозир фаолиятимизни янада кенгайтириб, қорамоллар парваришлашни мақсад қилганмиз. Эътиборли жиҳати, шу йўналишдаги бизнес лойиҳам учун “Асака” банки томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирландим. Эндиликда амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Сирожиддин ЯРИЕВ, Гулистон шаҳридаги “Ravshan davolash maskani” МЧЖ раҳбари:**

— “Эл саломатлиги — юрт бойлиги”, деб бежиз айтишмайди. Шу маънода, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида самарали тизим, яъни ўзига хос миллий модель яратилгани фахрланарлидир.

Бизнинг тиббиёт муассасамиз жамоаси ҳам мазкур йўналишдаги ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашишни мақсад қилган. Бунда республикамизнинг етакчи молия муассасаларидан бири — “Асака” банки яқиндан кўмак бермоқда. Натижада тиббий хизмат кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини янада яхшилашга эришаяпмиз. Масалан, банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган ноёб тиббиёт ускуналари, магнит-резонанс томографини харид қилдик. Бу орқали 20 та қўшимча иш ўрни ҳам яратилди.

Ҳозир муассасамизда шифо топганлардан миннатдорлик сўзларини кўп эшитамиз. Албатта, бундай эътироф биздан ўз молиявий кўмагини аямаган “Асака” банки жамоасига ҳам тегишлидир.

**Шавкат ЗАИТОВ, Тошкент шаҳридаги “Build Tech Leasing” МЧЖ раҳбари:**

— Ишонч ва кафолат ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболини белгилайди. Хусусан, банк ҳамда мижоз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиши ҳам ана шу омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Айни сабабдан истиқлол йилларида мамлакатимизда мазкур тизим тубдан либераллаштирилиб, “Банк — мижоз учун” тамойили асосида ишлаш молия муассасаларининг устувор мезонига айланди.

“Асака” банки фаолияти билан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу боис тадбиркорликни йўлга қўйишимда ҳамкор сифатида айни шу банкни танладим. Пойтахтимиздаги корхона ва фирмалар ҳамда ташкилотларга лизинг хизматлари кўрсатишни янада кенгайтириш мақсадида автотранспорт воситалари сотиб олишни ният қилиб, мазкур молия муассасасига мурожаат этдим. Банк ходимлари аризамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, имтиёзли шартлар асосида сармоя ажратишди. Ана шу маблағ ҳисобига 20 дона юк ташувчи ва қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситалари харид қилдик.

Ўз навбатида, жамоамиз сафига 35 киши қўшилди. Ўтган йили улар томонидан аҳолига 2 млрд. сўмликка яқин хизматлар кўрсатдик. Бу йилги режаларимиз бундан-да юксак. Уларнинг рўёбга чиқишида “Асака” банки бизни яна қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5